



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ РОССИЯГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 декабрь куни Санкт-Петербург шаҳрида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ташаббуси билан ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий саммитида иштирок этди.

Етакчилар жорий йилги ҳамкорлик яқунларини сарҳисоб қилиб, 2023 йил учун устувор вазифаларни муҳокама қилдилар. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қайд этиш лозим, Ўзбекистон МДХ доирасидаги ҳамкорликни сиёсат ва хавфсизлик борасида, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ривожлантирмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Ҳамдўстлик фаолиятидаги иштирокини фаоллаштирди, 40 дан ортиқ кўп томонлама битимларни имзоледи ҳамда МДХнинг 23 та тармоқ органларига қўшилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлислари ҳамда но-

расмий саммитларида мунтазам иштирок этиб, ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш ва МДХни ривожлантиришнинг узоқ мuddатли концепциясидаги мақсад ва вазифаларга эришиш бўйича қатор тақлифларни илгари суриб келмоқда.

27 декабрь куни Президентимиз МДХ давлатлари раҳбарлари билан биргаликда Санкт-Петербургдаги Давлат рус музейига ташриф бурди. Бу ерда меҳмонлар музей тўпламидаги экспонатлар ва санъат асарлари билан танишди ҳамда норасмий учрашув ўтказди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг амалий ташрифи яқунланди.

ЎЗА

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Албатта, эришаётган барча ютуқларимиз, инсон қадри улғу бўлган диёр — Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги дастлабки натижалардир. Биз бунёдкор халқимиз билан бирга бундай эзгу ишларни давом эттирамиз ва олдимизга қўйган катта-катта марраларга албатта эришамиз.

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан

ЭЪТИБОР ВА СИФАТ ТАЖАССУМИ — ҲАЁТНИ БЕЗАТУВЧИ МОҲИЯТ



Буюк файласуф олим Ғаззолийнинг “Юрт ободлиги тўрт нарса сабабидан: раҳбарлар адолати, олимлар илми, бойлар саховати, мухтожлар дуоси”, деган ҳаётий ҳикмати бизнинг замон учун ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Бугун жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш йўлидаги “**Буюк юксалиш**” даври сиёсати ҳақида мушоҳада юритар эканмиз, шу яшовчан ҳикмат умримиз мазмунига айланиб бораётганини теран англаш қийин эмас. Зеро, мана шу тўрт омил бундан етти йил аввал Янги Ўзбекистон ислохотларининг негизи сифатида белгиланган эди.

Президентимизнинг жорий йил 22 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси босиб ўтган шарафли йўлимизни яна бир бор сарҳисоб қилиш ва кириб келаётган янги йил марраларини янада банд олишга ундаётир.

Шу ўринда баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтсак. Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, инсонлар ҳаммиша яхшилик сари интилган, ҳеч бир жамият ёки давлатчилик моҳияти йўқки, токи унинг мақсади ўзни қораловчи сиёсатга йўғрилган бўлсин. Фақат тарихда катта-кичик хатолар учраб туради, талқинлар рангбаранглиги кузатилади, турли кўнгилсизликлар бўлиши ҳам тайин.

▶ Давоми 3-бетда

ТАКЛИФ

ЖАДИДЛАР ФАОЛИЯТИ — ИБРАТ МАКТАБИ

ЁХУД ХАЛҚАРО ЖАДИДЧИЛИК АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР



Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида тарихга, хусусан, жадид алломаларининг ибратли фаолиятига алоҳида тўхталди. “Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия тўғрисида эришилади”. Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак”. Бу фикрлар нафақат мажлис аҳлини, балки юртимиз зиёлиларини тўлқинлантирди, тафаккурига қувват берди.

▶ Давоми 6-бетда

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Пойтахтимиздаги Марказий Осиё халқаро институтида Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи яқунларига бағишланган “Ўзбекистон ва Қозоғистон. Стратегик шериклик ва иттифоқчиликни ривожлантириш истиқболлари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛАРИ

Тадбирда Ташқи ишлар вазирлиги, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Марказий Осиё халқаро институти, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Элдор Арипов, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муқор элчиси Бейбут Атамқулов, Қозоғистон Стратегик тадқиқотлар

институти директори Еркин Тукумов ҳамда икки мамлакат етакчи таҳлил марказлари экспертлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги икки томонлама музокараларнинг муҳим натижалари хусусида тўхталди.

Анжуманда ҳозирги глобал ва минтақавий тенденциялар, шунингдек, иқтисодиёт, саноат кооперацияси, транспорт, энергетика ва сув ресурслари, маданий-гуманитар алоқалар ҳамда минтақавий ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, икки давлат раҳбарларининг музокаралари кун тартиби кўлами ва имзоланган ҳужжатлар аҳамияти нуқтани назардан мамлакатларимиз муносабатларида янги саҳифа очди.

▶ Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

ТАЪЛИМ СИЁСАТИ ВА ЁШЛАРГА ОИД ЭЪТИРОФ

БИЗНИ ҲАЯЖОНГА СОЛАДИ ВА ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ЯНАДА ОШИРАДИ

Президентимизнинг Мурожаатномаси катта қизиқиш ва ҳаяжон билан тингланди ҳамда кенг тарғиб этилмоқда. Хусусан, Халқ таълими вазирлиги тизимидаги барча ўқув ва таълим-тарбия масканларида Мурожаатнома тўғридан-тўғри кузатиб борилди. Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тараққиётига доир фикри, иқтисодий ва ижтимоий йўналишлардаги таҳлили, халқаро ҳамжамиятга оид қарашлари, ютуқларимиз асосида келтирилган далиллари бизни беҳад қувонтириб, қалбимизни фаҳрга тўлдирди.

Ушбу Мурожаатнома улкан тарихий аҳамиятга эга бўлиб, унда давлатимизнинг кейинги йиллардаги тараққиёт даври, бугунги юксалиш палласи ва яқин келажакдаги истиқболли режалари аниқ кўрсатиб берилди. Айниқса, таълим сиёсати ва ёшлар билан боғлиқ ҳар бир эътироф бизни ҳаяжонга солди. Жумладан, яқунига етаётган йилда

381 нафар спортчимиз жаҳон ва Осиё мусобақаларида, 43 нафар иқтидорли ва билимдон ёш нуфузли халқаро фан олимпиадалари ҳамда танловларда совринли ўринларни қўлга киритгани ҳаммадан кўпроқ устоз ва мураббийларни қувонтирди, десак асло муболага бўлмайд.

▶ Давоми 2-бетда

ТАҲЛИЛ

ХОМАШЁДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ЗАНЖИРИ

мамлакатимиз тўқимачилик саноати ривожини асоси

Жорий йил юртимиз далаларидан 3,5 миллион тоннадан ортиқ пахта хомашёси йиғиб-териб олинди. Бир тонна пахтадан 300-330 килограмм тола чиқиши инobatга олинса, бу йилги ҳосилдан 1 миллион 100 минг тоннадан ортиқроқ тола чиқади. Демак, ушбу толадан ип-калава, мато ва тайёр кийим-кечак каби харидоргир маҳсулотлар бозорга етказиб берилди.



▶ Давоми 4-бетда

МУНОСАБАТ

ТАЪЛИМ СИЁСАТИ ВА ЁШЛАРГА ОИД ЭЪТИРОФ

БИЗНИ ҲАЯЖОНГА СОЛАДИ ВА ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ЯНАДА ОШИРАДИ

Ваҳобжон РАЖАПОВ, халқ таълими вазири ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Сабаби таълим-тарбия тизимида қўлга киритилган ютуқлар, аввало, давлатимиз томонидан ёшларга яратиб берилган эътибор ва ғамхўрлик самараси эканини халқимиз юракдан ҳис этиб турибди.

Давлатимиз раҳбари ўтаётган йилда эришилган ютуқлар ва муаммоларни, истиқболдаги режаларни инсон омилли ва таълим-тарбияга боғлаётгани, Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади, деган эзгу гога ва ташаббусни илгарчи суриб, соҳага алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас, албатта. Бу эзгу ташаббуслар давом эттирилиб, кириб келаётган 2023 йилга юртимизда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб ном беришни таклиф этгани эса юритилаётган оқилона сиёсатнинг мантиқий давоми бўлди.

Президентимизнинг "Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия тўғрисида эришилган", деган эзгу даъвати, шубҳасиз, Мурожаатноманинг энг жозибали ва халқчил, долзарб, бугуннинг нафасини, халқимизнинг хоҳиш ва иродасини ифода этган қисми бўлди, десам янглишмайман. Унда мактабларда ўқитиш таъжрибасини тизимли йўлга қўйиш, ўқувчилар учун янги авлод дарсликларини ишлаб чиқиш, илгор таъжриба, таълим стандартлари ва методикаларини амалиётга жорий этиш учун алоҳида илмий институт ва лабораториялар ташкил этиш, миллий ўзгичлик тизими, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътиборни янада кучайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.



Қувонарлиси, тизимни ислоҳ қилиш жараёни янада жаддаллашиб, келгуси йилда мамлакатимиз миқёсида 70 та янги мактаб қурилиши, 460 та мактабда кенгайтириш ишлари олиб борилиши, хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб қуриш лойиҳалари амалга оширилиб, беш йилда янги мактаблар сонини минггага етказиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон ва Хоразмда жорий йил бошидан таъжриба сифатида 285 минг нафар бошланғич синф ўқувчиси учун бепул овқатланиш йўлга қўйилгани ва бу хайрли амалиёт келгуси ўқув йилидан бошлаб барча вилоят ва Тошкент шаҳри мактабларида ҳам жорий этилиши учун 2,3 триллион сўм ажратилиши фарзандларимизни соғлом ва сифатли овқат билан таъминлаш нафақат таълим пойдевори ҳисобланган бошланғич синф ўқувчилари учун эътибор ва ғамхўрлик, балки таълим тизимидagi ислохотлар самараси, ёш авлод камолоти, халқнинг эртанги кунини янада яхшилаш, миллат генотипини асрашга қаратилган тарихий қадамдир.

Президентимизнинг меҳнат бозорига ҳеч қандай қасбга эга бўлмастан кириб келаётган қарийб 50 фоиз

ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун мавжуд 700 дан ортиқ касб-хунар мактаби, коллеж ва техникум имкониятидан самарали фойдаланиш зарурлигини ўқитиб, 2023 йилда янги дастур асосида ҳар бир вилоятда биттадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилиши, келгуси беш йилда эса барча коллеж ва техникумларда мазкур тизим фаолияти йўлга қўйилиши ҳақидаги фикрлари, албатта, ҳар бир ота-она, педагог кўнглидаги оғриқли саволларга муносиб жавоб бўлди. Чунки маҳалла ёки оиладаги бир нафар ишсиз фуқаро ҳам ўша муҳим учун муаммолар пайдо қилиши табиий. Аҳолининг, айниқса, ижтимоий ҳаётга, жамиятга қўшилиётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, ишлаш, оила боқиш, даромад топиш билан боғлиқ муаммоларини тўлиқ ҳал этмай туриб, умумий фаровонликка эришиш мумкин эмас. Шунинг учун давлатимиз раҳбари иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, қимматли санъат, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида Муҳандислик мактаблари ташкил этилиши ҳақида сўзлаб, "Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лунда айтганда, янги замон муҳандислари тайёрлаш тизимини яратамиз", дея даврнинг ўқтир масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Болаларни мактабга таълим билан камраб олиш масаласи жамият олдига турган муҳим вазифалардан. Бу борада бошланган ислохотлар натижасида айна пайтда қамров даражаси 70 фоизга етгани, ЮНЕСКОнинг мактабга таълим бўйича умумжаҳон анжуманида бу ислохотлар юксак эътироф этилгани ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар натижасидир. Келгуси беш йилда эса қамров даражасини 80 фоизга етказиш учун 600 минг янги боғча ўрни яратиш бўйича беш йиллик дастур қабул қилиниши борасида қўйилаётган вазифа ва бу жараёнга хусусий секторларни кенг жалб этиш амалиёти соҳада улкан имкониятлар яратди.



Мурожаатномада олийгоҳлар 2,5 баробар кўпайиб, 198 тага етгани, қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошгани ҳам алоҳида эътироф этилиб, таълим сифатини ошириш юзасидан 41 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилгани, келгусида талабалар учун имтиёзли таълим кредити ресурслари 2 баробар кўпайтирилиб, 1,7 триллион сўм ажратилиши, илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм йўналтирилиши эълон қилинди. Бу рақамлар замирида машаққатли меҳнат этгани, педагогларга янада масъулиятли вазифалар қўйилаётганини ҳар бир маърифатли инсон ҳис этмоқда. Зотан, ўқитувчи ва мураббийлар, педагоглар, умуман, таълим тизимида меҳнат қилаётган ҳар бир ходим соҳадаги ислохот ва ўзгаришлар самарасини аллақачон фаолияти мисолида сезди. Шу боис, бу борадаги ҳар қандай янгилик, ўзгариш, инновация гога ва методларни, жаҳоннинг илгор таъжрибаларини амалиётга дадил таъбиқ этиш ҳам руҳан, ҳам маънан тайёр. Чунки тобора глобаллашиб бораётган бугунги

нотинч паллада, минтақаларда турли геосиёсий манфаатлар тўқнашаётган таҳликали даврда миллат келажаги, давлатимиз истиқболи, жамиятда пайдо бўлаётган муаммолар ечимини айнан билим ва тафаккурга, бошқача айтганда, юксак салоҳиятли кадрларга, илм-фан ривожига боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Тарихий нутқда мамлакатни бугунги давр талабларига мос равишда жадал ривожлантириш ва бу мақсад йўлида инсон омилли ҳамда таълим сифатини ошириш асосий стратегик вазифа этиб белгиланди. Хусусан, маҳалла тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия қўғони сифатида эътироф этилиб, давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши, суд-ҳуқуқ тизими, экология, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси, кишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш, энергия

ресурслари танқислигига барҳам бериш бўйича аниқ лойиҳаларни ишга тушириш, иқтисодийга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни жалб этиш бўйича вазифалар қўйилди. Давлатимиз раҳбари бундай тарихий ишларни муваффақиятли амалга оширишда асосий омил ҳисобланган баркамол авлод тарбиясига эътибор қаратиб, "Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт гоғлар билан захарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз", дея халқнинг қатъий фикрини лунда ифодалаб берди. Фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича миллий дастур қабул қилинишини билдирди.

Президентимиз томонидан жадидчилик ҳаракати намояндalarининг мустақиллигимиз йўлида қилган ибратли ишларини ўқувчилар орасида кенг тарғиб этиш масаласи олдимидаги қўйилгани барча турдаги таълим муассасалари юқори синф ўқувчилари ва талабалар билан буюк аждодларимиз ва жадидчилик ҳаракати намояндalarининг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида таъриб-таъвиқот олиб боришимиз лозимлигидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир фуқарого дахлдор бўлган, ҳаёт-мамонт масаласи қадр муҳим ва долзарб ҳисобланган миллий тараққиётнинг энг муҳим йўналишларини белгилаб бериб, "...қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортага қайтмаймиз. Қўзлаган марраларимизга албатта етгимиз. Бу йўлда ниёти улғу, қалби пок, меҳнатқаш халқимизга таянамиз", дея ишонч ва қатъият билан таъкидлади.

Мурожаатномада белгиланган вазифалар мамлакатимиздаги кўп минг сонли педагоглар қалбиди кучли акс-садо бериб, таълим муассасаларида мазкур нутқ асосида истиқболдаги вазифалар белгиланмоқда. Ўқитувчи ва мураббийлар Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдеворини яратишда зиммасидаги шарафли вазифани, албатта, оқлайди.

СТРАТЕГИЯ ШЕРИКЛИК



Ўзбекистон — Қозоғистон: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Қозоғистон билан тарихий ришталар, миллий анъаналар, муштарак тил, дин, ўхшаш маданият ва қадриятларга асосланган ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратиб келмоқда.

Сўнгги йилларда ҳар икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва томонларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида ўзбек-қозоқ дўстлиги, яхши кўшничлик ҳамда стратегик шериклик муносабатлари янги босқичга кўтарилди.

Қозоғистон раҳбарининг бу галги ташрифида сиёсий, савдо-иқтисодий, энергетика, кишлоқ ҳўжалиги, сув ва бошқа соҳалардаги муносабатларни тубдан кенгайтириш масалалари музокараларнинг асосий мавзуси бўлди. Кейинги олти йилда ҳамкорликнинг барча йўналишларида сезиларли муваффақиятларга эришилди. Икки мамлакат ҳўкуматлари, вазирлик ва идоралари, ҳудудлари ўртасидаги мулоқотлар мунтазамлик касб этган.

Ўзбекистон — Қозоғистон саммити якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев тарихий ҳўжатлар — Иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида шартнома ва Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисида шартнома имзолади. Бундан ташқари, икки мамлакат ҳўкуматлари, вазирлик ва идоралари, йирик компаниялари даражасида кўп қиррали ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга қаратилган ҳўжатлар пакети қабул қилинди. Шунингдек, умумий қиймати 8 миллиард долларлик битум ва шартномалар имзоланди.

Лутфулла СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

КҮН МАВЗУСИ

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ ВА ИЖОДИЙ ЁНДАШУВЛАР

Феруза МУҲИДДИНОВА, юридик фанлар доктори, профессор

Президентимиз Мурожаатномасида билдирилган фикрлар, катта ташаббуслар том маънода янгилаётган Ўзбекистонни дунё миқёсига олиб чиқадиغان, мамлакат тараққиётини таъминлашнинг устувор жиҳатларини белгилаб берадиган дастуриламал бўлади, деб ҳисоблаймиз. Боиси, Мурожаатномада жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барча соҳалари қамраб олинган.



Жўмладан, юртимизнинг илм-фан йўлидаги тарихий, мантиқий ривож сифатида Учичини Ренессанс учун зарур фан, таълим тизимида тааллуқли қатор стратегик аҳамиятга эга йўналишлар белгилаб берилгани диққатга сазовор. Шу боис, белгиланган вазифалар тизимида фаолият юритаётган барча мутахассислардан ўз устиди ишлаш ва янгича дунёқарашни, таълим сиёсатининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англашни, уларнинг ижросига нисбатан тараққиёт мезонлари асосида ижодий ёндашушни талаб қилади.

2023 йилни мамлакатимизда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилиш таклифи қизгин қўллаб-қувватланди. Ушбу йилдан мактаб таълиминини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилиш борасида кенг қўллаш ислохотларини амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. 2023 йилда 70 та янги мактаб қурилади, 460 таси кенгайтирилади. Хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб қуриш лойиҳаси бошланади, келаси беш йилда уларнинг сони минггага етказилади.

Мана шу рақамларнинг ўзи таълим ва тарбиянинг жамият ривожидagi муҳим аҳамиятини акс эттиради. Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққо ягона тўғри йўли. Президентимиз таъкидлаганидек, болаларимиз мактабдан она тили ва чет тилларни пухта ўқлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқиши зарур. Фарзандларимизни касб-хўнарга, санъат ва маданиятга қизиқтиришимиз лозим. Ўқувчиларда эркин, танқидий ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш ҳаёт талаби.

Шу мақсадда 2023 йилдан мактаб таълиминини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилиш борасида кенг қўллаш ислохотларини амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. 2023 йилдан мактаб таълиминини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилиш борасида кенг қўллаш ислохотларини амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, таълим сифатини ошириш юзасидан 41 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилгани, келгусида талабалар учун имтиёзли таълим кредити ресурслари 2 баробар кўпайтирилиб, 1,7 триллион сўм ажратилиши, илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм йўналтирилиши эълон қилинди. Бу рақамлар замирида машаққатли меҳнат этгани, педагогларга янада масъулиятли вазифалар қўйилаётганини ҳар бир маърифатли инсон ҳис этмоқда. Зотан, ўқитувчи ва мураббийлар, педагоглар, умуман, таълим тизимида меҳнат қилаётган ҳар бир ходим соҳадаги ислохот ва ўзгаришлар самарасини аллақачон фаолияти мисолида сезди. Шу боис, бу борадаги ҳар қандай янгилик, ўзгариш, инновация гога ва методларни, жаҳоннинг илгор таъжрибаларини амалиётга дадил таъбиқ этиш ҳам руҳан, ҳам маънан тайёр. Чунки тобора глобаллашиб бораётган бугунги

иши учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилади. Бунда боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим-тарбия сифатини тубдан яхшилашнинг беш йиллик дастури қабул қилиниб, боғча қамровини кенгайтириш бўйича хусусий секторга қўшимча шaroитлар яратилиши ҳар бир ёш оилалар, ёш ота-она, хаттоки бува-буви-жонларнинг йиллар давомидаги орзуси амалга оширилиши, дегандир. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразмдаги бошланғич синф ўқувчилари учун бепул овқатланиш амалиёти келаси йўлда илгирчи суриб, соҳага алоҳида эътибор қаратиб, "Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт гоғлар билан захарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз", дея халқнинг қатъий фикрини лунда ифодалаб берди. Фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича миллий дастур қабул қилинишини билдирди.

Президентимиз томонидан жадидчилик ҳаракати намояндalarининг мустақиллигимиз йўлида қилган ибратли ишларини ўқувчилар орасида кенг тарғиб этиш масаласи олдимидаги қўйилгани барча турдаги таълим муассасалари юқори синф ўқувчилари ва талабалар билан буюк аждодларимиз ва жадидчилик ҳаракати намояндalarининг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида таъриб-таъвиқот олиб боришимиз лозимлигидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир фуқарого дахлдор бўлган, ҳаёт-мамонт масаласи қадр муҳим ва долзарб ҳисобланган миллий тараққиётнинг энг муҳим йўналишларини белгилаб бериб, "...қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортага қайтмаймиз. Қўзлаган марраларимизга албатта етгимиз. Бу йўлда ниёти улғу, қалби пок, меҳнатқаш халқимизга таянамиз", дея ишонч ва қатъият билан таъкидлади.

Мурожаатномада белгиланган вазифалар мамлакатимиздаги кўп минг сонли педагоглар қалбиди кучли акс-садо бериб, таълим муассасаларида мазкур нутқ асосида истиқболдаги вазифалар белгиланмоқда. Ўқитувчи ва мураббийлар Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдеворини яратишда зиммасидаги шарафли вазифани, албатта, оқлайди.

Мурожаатномада маънавий-маърифий ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маданият соҳасини ривожлантириш, илмий-ижодий ташкилотлар, муҳтарам зиёлиларимиз фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳам биз учун устувор йўналишлардан бири бўлади, деган гога асосида қатор йўналишларда кенг қўллаш ислохотларини амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Қувонарлиси, қадимий ва бетакор тарихни, айниқса, гога оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озолиди, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат гоғларини дадил кўтариб чиққан жадид болаларимиз фаолиятини янада чуқур ўрганишга даъват этилди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Мурожаатномаси инсон қадрини, манфаатини, шаънини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган янги қадамнинг амалий ифодаси ва тасдиғидир.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ЭЪТИБОР ВА СИФАТ ТАЖАССУМИ —

ҲАЁТНИ БЕЗАТУВЧИ МОҲИЯТ



Салим ДОНИЁВ

Бошланғич 1-бета

Масалага шу нукта назардан ёндашганда, Президентимиз раҳбарлигида бошланган халқлараро сиёсат фақат ва фақат адолат тамойиллари асосига қурилганини кўришимиз мумкин. Бу йўлда мақсадимиз аниқ белгиланди: биз энди тарихдаги хатоларни такрорламаймиз, халқ манфаатлари учун ишлаймиз, узоқ йиллар ортага суриб келинган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишга киришамиз, давлат фуқароларга хизмат қилишига эришамиз. Агар ҳолис ўйлаб кўрсак, халқимизни мана шу муҳим жиҳатлар бирлаштириб турганини, нимагаки эришган бўлсак, шу тамойиллар пойдевор эканига гувоҳимиз.

ОИДЛИК РУҲИ

Ўтаётган ҳар бир кун — синов. Ҳеч бир кун бошқасига ўхшамайди. Шундай экан, бир тутам умр мазмунини бойитиш, маҳобатли ҳаётни севиш ва қадрлаш, фалсафаси билан шуҳрат қозongan яхшилик ва тириклик йўлини бойитиш мақсадида қаён кетялгимиз ўзи, деган савол тўғрисида бўлади.

Бу саволнинг жавоби мураккаб, ўз навбатида, ғоят залварли. Бугун дунё ўзгариб бораётган, дейимиз. Аслида-чи? Фикримизча, дунё ўз жойида тургандек, фақатгина бу жаҳон саҳнида сиёсий тутумлар янгиламоқда.

Президентимиз Мурожаатномасида таъкидлагани: “Ҳаммамиз қўриб-билиб турибмиз — бугун инсоният ниҳоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Ер юзида иқлимнинг кескин ўзгариши, сув ва бошқа ресурслар камийиши билан боғлиқ муаммолар катта хатарларга айланмоқда. Халқаро муносабатларда ўзаро ишонч камийиб, қарама-қаршилик ва можароларнинг ортиси барқарорлик ва ривожланишга жиддий ҳавф солмоқда”.

Шундай мураккаб шароитда Президентимиз концептуал Мурожаатномасида келгуси ривожланишимизнинг олти та муҳим йўналишини белгилаб берди.

Бу ҳақда тўхталишдан олдин, бу гапни Мурожаатноманинг энг муҳим ўзига хос жиҳатларини айтиб ўтишимиз керак бўлади.

Биринчидан, Мурожаатнома Ўзбекистон аҳолиси 36 миллиондан ошган бир паллада тақдим этилди.

Эътибор беринг, нуфусимиз сафига ҳар йили қарийб 900 минг янги авлод қўшилмоқда. Бундай демографик ўсиш юртимиздаги тинчлик-осойишталик, менталитетимизга хос юксалиш, файзу баракага интилиш муҳити ҳосиласи, албатта. Қолаверса, кўп миллатли халқимизда келажакка бўлган мустақам ишонч шаклланаётгани самарасидир.

Иккинчидан, поёнига етаётган сиёсий йўлда Ўзбекистон жаҳон сиёсати марказларидан бирига айлангани алоҳида эътироф этилиб, бундай катта ютуқларга эришишда фойдасиз кўрсатган барча юрдошимизга миннатдорлик билдирилди.

Бугун дунёда ишонч руҳи сўниб бораётган, бу, ўз навбатида, ўзаро боғлиқлик ривожланиш тенденцияларини кун тартибда қўяётган бугунги шароитда ҳар бир давлат ташқи сиёсатига залварли вазифалар қўяди. Шундай мураккаб вазиятда Ўзбекистон инсоният тақдирини билан боғлиқ ҳаётини аҳолияли вазифани ундалагани ва жаҳон сиёсати марказларидан бирига айлангани ҳар биримизда фахр ҳиссини уйғотди.

Учинчидан, Мурожаатномада белгиланган истиқболли вазифа ва режалар жорий йил якунини, янги йил аввалини кутиб ўтирмасданок, катта маъмурий ислохотлар билан бошлаб юборилди.

“Бу борада хусусий ташаббусларни янада кенгайтириш, уларга янги истиқболларни очиб мақсадида энди “қўл бошқаруви”дан аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтиш вақти келди”, деди Президентимиз.

Эртаси кун матбуотда Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Бу икки ҳужжат мамлакатимизда натижадорликка йўналтирилган илҳам ва профессионал давлат бошқаруви тизимини яратишда мутлақо янги даврни бошлаб берди. Шу кунларда бу борадаги ислохотлар жадал олиб бориламоқда.

Тўртинчидан, бу гапни Мурожаатномада энг кўп ишлатилган сўзлар “таълим”, “мактаб”, “аҳоли”, “шаҳс”, “халқ”, “Конституция”, “инвестиция”, “тадбиркорлик”, “маҳалла” бўлди.

Умуман олганда, иқтисодий ривожланиш, ижтимоий ёрдам, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, халқ фаровонлигини ошириш, тинчлик ва осойишталикни мустақамлаш, ёшлар ва таълим каби масалалар давлатимиз раҳбари Мурожаатномаларининг ажралмас қисмига айланган.

Шу маънода, бу сафар ҳам жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий юксалишига муҳим эътибор қаратилди. Бу, ўз навбатида, Тараққиёт

айниқса, сув масалаларига жиддий ёндашиш, эркин бозор механизмларини жорий этиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни Конституцияда акс эттириш ва ниҳоят, иқтисодиётда маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаш.

Еттинчидан, Президентимиз Мурожаатномасининг яна бир муҳим ва фарқли жиҳати шундаки, концептуал ҳужжатда илк бор эътибор ва сифат кўрсаткичи диққат марказида бўлди.

Бу шундан далolatки, биз ривожланган мамлакатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, янги жамият қуришдек катта йўлга чиқдик. Янги Ўзбекистоннинг жозибador қиёфасини шакллантириш бош мақсадимизга айланди.

Мурожаатномадаги олти йўналишда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда таълим-тарбия соҳаси, илҳам ва самарали давлат бошқарувини ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, энергетика тизимини такомиллаштириш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш янги босқичда давом этади.

Бугун жамиятимизда ўзаро тотувлик ва бирдамлик руҳи шаклланимоқда. Бунга жуда катта эҳтиж сезаётганимиз ҳам бор гап. Чунки дунёнинг глобал сиёсатида ўзаро ишонч муҳити сўниб бораётган бир шароитда халқлараро баргиреклик, дўстлик руҳи халқилуви аҳамият касб этади.

Тўғри, бу жуда қийин муддао. Бир ўйлаб кўринг, дунёда радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гийҳвандлик каби хатарлар урчиб бораётган бир шароитда маънавий меросни сақлаб қолишнинг ўзи осон эмас. Нимагаки, бундай



стратегиямизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадларига тўла ҳамоҳангдир.

Бешинчидан, Мурожаатномада асосий эътибор таълим сиёсатида қаратилди.

Ўзбекистонда таълим соҳасига ажратилаётган маблағ йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, 2021 йилда давлат дастурларида белгиланган вазифаларни, хусусан, узлуксиз таълим тизими ва илм-фанни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш мақсадида давлат бюджетидан соҳага 2197 миллиард сўм, илм-фанга 168 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган эди. Бу кўрсаткич Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйича 2,9 триллион сўмни, Халқ таълими вазирлиги тизимида 22,1 триллион сўмни ташкил этади. 2022 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 4,1 триллион сўм, Халқ таълими вазирлиги 25,8 триллион сўм ажратилди.

Олтинчидан, мавжуд муаммо ва йўл қўйилган камчиликлар очиб айтилиб, уларга аниқ ечимлар кўрсатилди.

Президентимиз миллий ривожланишимизнинг янги даврига дадил қадам қўяётганимизни, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бераётганини катта мамнуният билан таъкидлаб, ҳали олдинда қиладиган ишлар кўплигига урғу берди. Бу борадаги чора-тадбирлар, вазифалар олтига йўналиш буйича аниқ тақлиф ва ечимлар асосида белгиланди.

Бунлар: илҳам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтиш, “ижтимоий давлат” тамойилини Конституцияда мустақамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни давлатнинг конституциявий мажбуриятли сифатида белгилаш, экология,

таҳликали замонда фақат маънавий юксак кишиларга баргиреклик, ҳамжихатлик, ўзаро дўстлик ва биргаликда ривожланиш мақсадларини теран англаш мумкин.

Гап шу ҳақда борар экан, Президентимиз Мурожаатномасига эътибор қаратиш



ўринлидир. Давлатимиз раҳбари таъкидладикки, биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан захарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз.



Бу муҳим масалада алоҳида Миллий дастур қабул қиламиз.

Аслини айтганда, янги миллий жамиятлашувимизнинг бош мақсади ҳам шундай белгиланган. Жамиятимизнинг маънавий асосларини мустақамлаш, маданият-маърифат соҳасини ривожлантириш, устоз-мураббийлар қадрини юксалтириш, ёшларни турли мафруравий тийиксиз оқимларга қарши тарбиялаш бош мақсадимиз бўлган.

Юқорида умр мазмунини бойитиш, ҳаётни севиш ва қадрлаш, яхшилик ва тириклик йўлини мустақамлаш мақсадида қаён кетялгимиз, деган савол қўйиб, унинг жавоби мураккаб ва ғоят сермазмун эканини айтган эдик. Мураккаблиги шундаки, дунёда ахборот технологиялари кишиларни, хусусан, ёшларни ғоят пишиқ қамраб олган. Бундай муҳитда яшаётган ҳеч кимга осон эмас, боиси, технологиялар, аввало, ҳисларни сўндирди, мустақил фикрлаш, жозибador ҳаётдан завқланиш, атрофдаги воқеа-ҳодисалардан ҳаяжонланиш туйғусини ўтмаслаштирди, меҳр-оқибат мезонлари ортага сурилди.

Сермазмунлиги эса — оидлик бахти. Шундай мураккаб замонда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳаётдан умиди бўлади. Бу умид, истаимизми-йўқми, барбир жамиятлар билан дахлдор сезилган ҳосиласи ўлароқ пайдо бўлади ва ашайди.

Одамларнинг атрофдаги воқеа-ҳодисаларга аралашуви, давлатчилик тузуми ва жорий этилаётган қонун-қоидаларга муносабати, улар учун қайғуриши ёки хурсандлигининг асл манбаси ҳам, аввало, яшаётган умид туйғулари. Айтмоқчимизки, бу каби туйғу қуртаги жамиятга нисбатан оидлик шамойилини юзага кел-

тириштириш йўлини танлаганимизни тасо-дифга йўйиш ҳам катта хатодир. Нимагаки, биз бугун фикрли жамиятда яшай-миз. Фикр тарбиясига йўл очдик. Ҳар бир фикр улғайиб борапти. Бунинг асоси эса Президентимиз Мурожаатномасида жуда ўринли келтирилган. Ўзингиз яна бир мушоҳада қилинг-а: “...қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортага қайтмаймиз. Кўзлаган марраларимизга албатта етамиз. Бу йўлда ниҳоят улғу, қалби пок, меҳнаткаш халқимизга таянамиз.”

Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, мен ишонаман, эл-юртимиз интилаётган Янги Ўзбекистонни албатта барчамиз биргаликда бунёд етамиз”.

Бу катта ишонч ва таянч қудрати бизни биргина йўлга бошлайди — ислохотларга оидлик бахтига.

АВВАЛ — ИНСОН, КЕЙИН — ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ

Инсонларни яхши ё ёмонга ажратиш бизнинг эътиқодга тўғри келмайди. Ҳар бир инсон, аввало, бетақдор мўъжиза, алоҳида бир хилқат, Аллоҳнинг яратган марҳамати. Шу боис, миллий тутумларимиздан келиб чиқиб айтаемизки, жамиятда инсон қадри юксак бўлиши керак. Кейинги йилларда ҳаётдан топган ҳақиқатимиз шу бўлди, десак муболага эмас.

Президентимиз Мурожаатномасини диққат ва теран тушуниш истаги билан ўргансак, кўз олдимизда ниҳоятда кенг қамламли ва янги ислохотлар даври бошланаётганини сезамиз. Келинг, шу ўринда келгуси тараққиётимизнинг концептуал асоси бўладиган Мурожаатномадан айрим иқтибослар келтириб ўтамиз.

“Тараққиёт фақат машаққатли меҳнат ва жасоратли меҳнат орқали эришилади”, “Инсон қадри, инсонни эъзозлаш — эътиборимиздаги энг асосий масала”, “Нуроний отахон ва онахонларимиз оила даврасида, ҳаж ва умра зиёратларида шукроналик дуоларини қилаётгани бизга куч ва ғайрат бағишламоқда”, “Биз жонажон Ватанамизнинг ҳавфсизлиги ва ҳудудий яхлтилигини таъминлашга ҳар томонлама қодиримиз”, “Жамият — ислохотлар ташаббускори”, “Бу — менинг Конституциям”, “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йўли”, “Наҳот — таълимда, наҳот — тарбияда, наҳот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия тўғрисида эришилади”, “Маҳалла — тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳлилик ва ҳамжихатлик, маърифат ва тарбия қўргонидир”, “Ҳеч кимнинг унуттишга ҳаққи йўқ — қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари — биз учун олий қадрият”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”.

Эътибор қилсак, бу каби иқтибосларда бош урғу инсон қадрини юксалтиришга йўналтирилган. Шу боис, бугун баралла йўналишимиз мумкинки, Янги Ўзбекистонда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда эмас. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳар йили сафимизга қўшилиётган минглаб гўдаклар

бизнинг келажакимиз эмасми?! Уларни камолга етказиш, ҳеч кимдан кам қилмай, тўқис келажак яратиш бахти ҳам катта савоб эмасми?!

Президентимиз Мурожаатномасида илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар, режа ва вазифалар замирида ҳам ана шу кутлуг сарофга йўл очиб мақсади мумжасан, аслида. Зеро, эътибор ва сифат тажассуми ҳаётни безатувчи моҳият эканини бугун барчамиз яхши англаймиз.

ЯХШИЛИКНИ БИЛМОҚ ҲАМ ФАЗИЛАТ

“Замонни қоралама, болам, — дерди ота-боболаримиз. — Ношукурлик бўлади. Қорин ғамини енгиш осон, инсон бир бурда нонга тўяди. Қаноатда гап кўп. Лекин нон топиш учун ўзлигини унутма. Элни уятга қўйма”.

Бу тарбия бизни шукроналик сари етаклаб қамол топтиради. Уртада ҳар замоннинг ўз йўриги бўлди, йўрғаловчилик кўп бўлди. Биров урга тортиди, биров қирга. Аммо халқимизнинг ўйи бўзилмади, камтарин, камсуқум яшаб келди.

Элик йилда эл янги, дейди халқимиз. Бугун бизнинг фарзандларимиз камолга етди. Замонни ўзгартиряймиз. Бугун кекагидан, эртага бугундан яхши яшаш истаги зоҳир. Шукрки, мустақилмиз, юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон, ҳар тонгда ўзгача фазилни кўрамиз.

Ҳақиқатда “Янги Ўзбекистон” газетасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназаровнинг мақоласи чоп этилди. Унда, жумладан, бундай дейилади: Аллоҳ таоло диёримизга Ўзининг азиз неъматини — тинчлик, осойишталикни берди, қут-барака, фаровонликни ато этди. Атрофга назар солсак, бизларни ураб турган сон-саноксиз неъматлар қуршомида яшаётганимизга амин бўламиз. Қуръони каримда Раббимиз бундай марҳамат қилади: “Шунингдек, сизларга барча ўраган нарсаларингизни ато этди. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноксизга ета олмайсиз”.

Шуларни ўйлаб, кўнглимиздан кўп соҳир туйғулар ўтади. Ҳар бир отган тонг, ҳар бир ўтаётган кунимиз учун беҳисоб шукр келтиришимиз керак. Зеро, бугунги қут-барака ва давлатимиз раҳбари жонбозлигида эришаётган ютуқларимиз замирида ҳам, аввало, шукроналик, камтаринлик ва ҳамжихатлик ҳикмати зоҳир. Президентимизнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси том маънода бизни олий мақсадларга элтувчи ва ўзимиз истаётган фаровон ҳаёт сари чорловчи йўлни юлдуз бўлиб қолади. Бу борада белгиланган вазифаларни чўнг меҳр ва фидойилик билан удалласак, марра бизники бўлади!



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ТАҲЛИЛ

ХОМАШЁДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ЗАНЖИРИ

мамлакатимиз тўқимачилик саноати ривожига асоси



“

ҲОЗИР ЮРТИМИЗДА 12 МИНГДАН ОРТИҚ ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАСИ МАВЖУД БЎЛСА, ШУНДАН 5 МИНГДАН ОРТИГИ ТАЙЁР КИЙИМ-КЕЧАК ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН. КОРХОНАЛАРДА 450 МИНГДАН ОРТИҚ КИШИ МЕҲНАТ ҚИЛЯПТИ ВА УЛАРНИНГ 80 ФОИЗГА ЯҚИНИ ХОТИН-ҚИЗЛАРДИР.

Бошланғич 1-бета

Пахта хомашёси деҳқон қўлидан тўқимачилик корхоналарига ўтиб, қўшимча қийматли, сифатли ва жаҳон стандартларига мос маҳсулотларга айланиб бераверади. Бинобарин, юртимизда сўнгги йилларда мазкур йўналишда кечаётган ислохотларнинг асосий мақсади ҳам шу: пахта хомашёси эмас, тайёр маҳсулот сифатида жаҳон бозорига олиб чиқиш.

Энг муҳими, ушбу масала давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Бунга мисоллар талайгина. Жумладан, ўтган йил 27 октябрда Президентимиз раислигида қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг бориши, кластерлар олдидagi муаммоли масалалар ва уларнинг ечимларини кўриб чиқишга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўтган беш йилда қишлоқ хўжалигида бажарилган ишлар сарҳисоб қилиниши борабарига қатор ташаббуслар илгари сурилганди.

“Кластер тизимига ўтганимиз қисқа вақт ичида қишлоқ хўжалигида кескин ўзгаришлар қилишга замин яратди. Жумладан, биргина пахтачиликда толани қайта ишлаш 2,5 баробар ошди, 100 фоизга етказилди, шунингдек, ип-калавас ишлаб чиқариш 2 баробар, тайёр маҳсулот 3 баробар орди, экспорт йил якунига қадар 3 миллиард долларга етди. Пахта хомашёсидан тайёр маҳсулотга бўлган занжирни яратиш бўйича 2 миллиард долларлик 125 янги ишлаб чиқариш қуввати ҳамда 150 мингта доимий иш ўрни ташкил қилинди.

“Ҳосилдорликни камийта 2 баробар кўтариш, хомашёни чуқур қайта ишлаш, соҳа экспортини 7 миллиард долларга олиб чиқиш, қишлоқлардаги аҳоли бандлиги ва даромадларини янада ошириш пахтачиликдаги асосий режалар сифатида белгиланди”, деганди давлатимиз раҳбари ўша йиғилишда.

Шу йилнинг 28 июнь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида эса ўзбек пахтасига бойик бекор қилинганидан сўнг хорижий бренд ва йирик компаниялар маҳаллий корхоналар билан ҳамкорликка ҳамда миллий маҳсулотларимизга қатта қизиқиш билдираётгани, шу боис, тўқимачилик саноатини ташки бозорларга олиб чиқиш,

машҳур брендлар ва йирик корхоналарни жалб этиш ишларини янада қўллаштираш зарурлиги таъкидланди.

Бугун юртимиз тўқимачилик саноати ана шундай эътибор ва имкониятлар замирида босқичма-босқич ривожланыпти. Дунё Ўзбекистонни хомашё етиштирувчидан юқори қийматга эга саноат маҳсулотлари орқали танимоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2023 йилда иқтисодийта маҳаллий ҳамда хорижий хусусий инвестицияларни қўллаштириш учун шароитларни янада яхшилаш устувор йўналиш бўлиши алоҳида таъкидланди. Яъни бунинг учун келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сарможа жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳа ишга туширилиб, яна 40 та янги йирик лойиҳа бўйича ишлар бошланади.

Шунингдек, 2023 йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича асосий музокаралар якунланиб, унга аъзо бўлиш ишлари тезлаштирилади. Булар ҳам



иқтисодийнинг бошқа тармоқлари қаторида тўқимачилик саноати ривожига ҳам қатта тўртки беради.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ҚАМРАБ ОЛИНГАН ЯНГИ ДАВР

— Соҳа ривожига Президентимизнинг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони алоҳида аҳамиятга эга, — дейди “Ўзтўқимачилик саноат” уюшмаси раиси ўринбосари Санжар Тўхтаев. — Негаки, айнан мазкур ҳужжатга мувофиқ уюшмаимиз ташкил этилиб, унинг зиммасига тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш, юқори қийматли

анъана ва тажрибага асосланган мазкур саноат соҳаси иқтисодийтемизда муҳим роль ўйнайди. У бюджет даромадлари ошиши, хорижий сарможа жалб этиши, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш тарзини яхшилаш, ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда экспортни кенгайтиришда етакчи ҳисобланади.

Куйидаги рақамлар бунинг яққол далили. Яъни 2021 йилда ишлаб чиқариш маҳсулотлари экспорти (олтин экспортдан ташқари) 2017 йилдагига нисбатан 64,7 фоиз ўсди. Бунда тўқимачилик саноати улуши энг юқори — 41,5 фоизни ташкил этди. Металлургия саноати 24,4 фоиз, кимё саноати 11,4 фоиз ва машинасозлик 9 фоизлик кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Пул кўринишида эса экспорт ҳажми 3 баробар

ниши, аввало, жаҳонга машҳур брендлар билан ишлашни жадаллаштиришга олиб келди, — дейди С.Тўхтаев. — Хусусан, GSP+ преференциялари тақдим этилиши Ўзбекистонга Европа давлатлари ва Буюк Британия глобал ишлаб чиқариш занжирига кириш имконини берди.

Рости, беш йил аввал мавжуд экспортни 3 баробар ошириш ҳақида гап кетса, эртақдай туюларди. Ҳозир эса ушбу йўналишдаги кўрсаткични 10 баробар ошириш корхоналаримиз учун яқин маррага айланган.

Ўзбекистон географик жойлашуви ва сиёсий қарашлар туфайли ҳамкорлик учун “ноқулай” давлатдан Европа ва Осиё давлатлари учун барқарор ресурс марказига айланди. Натижада маҳсулотларимиз Италия, Испания, Англия, Германия, Польша, Франция, Туркия, АҚШ сингари давлатларнинг 100 дан ортиқ брендида етказиб берилади. Улар орасида бутун дунё севиб сотиб оладиган “Hugo Boss”, “Diesel”, “Tendam”, “Inditex”, “El Corte”, “Engelberg Straus”, “The North Face”, “Collins”, “S.Oliver”, “LC Waikiki”, “De Facto”, “Piere Cardin”, “Falke” каби брендлар мавжудлиги қалбимизга фахр бахш этади.

МИНТАҚАНИНГ ЙИРИК САНОАТ МАРКАЗИ

Ўзбекистонда тўқимачилик саноатидаги ислохотлар ўз самарасини бераётганини бугун барча кўриб, билиб турибди. Қисқа вақт ичида эришилган ютуқлар танланган стратегиянинг тўғри эканини тасдиқлади. Марказий Осиё минтақасида тўқимачилик саноатининг Ўзбекистон модели жорий қилинди. Маҳаллий корхоналар томонидан сўнгги 5 йил мобайнида барча ҳудудларда 350 дан ортиқ янги тўқимачилик саноати корхонаси ташкил этилди.

Шу билан бирга, қўшни Тожикистон (“Зелал Текстиль”), Қозғистон (“Астера Текстиль”), Қирғизистон (“Арт Софт”) каби давлатларда тўқимачилик корхоналари очила бошланди. Пахта-тўқимачилик кластери модели Озарбайжон ишчи гурӯҳи томонидан ўрганилди ва ҳукумат ўзбек инвесторларини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирди. Грузия учун тўқимачилик саноатини ривожлантиришда Ўзбекистон ҳамкор сифатида ўрганилмоқда. Мамлакатнинг турли порт шаҳарларида тўқимачилик корхоналари очилди ва Европа бозорига Ўзбекистон учун хаб бўлиш таклифи маҳаллий корхоналар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон МДХ учун асосий тўқимачилик маҳсулотлари етказиб беришчи давлат ҳамдир. Мамлакат экспортининг 52 фоизи шу ҳудудга тўғри келади. Айни дамда Тошкентни Марказий Осиё fashion марказига айлантириш ишлари олиб борилмоқда.

БАРҚАРОР ВА ШАФФОФ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИ

Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг сўнгги йилларда эришган улкан ютуқларидан бири ишлаб чиқаришда шаффофлик жорий этилгандир. Соҳага халқаро стандартлар таъбиқ этилиши,

мехнат шароитлари яхшиланиши, ишлаб чиқаришда атроф-муҳит, экология, инсон соғлиғига салбий таъсири камайтиришга қатта эътибор қаратилмоқда. Уюшма жорий йилнинг ўзида 5 дан ортиқ халқаро ташкилот ва ташаббусларга аъзо бўлиб, ихтимолий жавобгарликни қучайтирди.

Тўқимачилик саноати электр энергияси кўп истеъмол қилувчи соҳадир. Бу ишлаб чиқариш корхоналари қўллаб ташкил этилаётгани билан боғлиқ, 2022 йилда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдагига нисбатан 3,1 баробар ортиши натижасида электр энергияси истеъмоли 2,5 баробар, табиий газ сарфи эса 2,6 баробар кўпайган.

Шу билан бирга, соҳа корхоналари томонидан энергия ресурсларини тежаш, улардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, беш йил ичида соҳада рўёбга чиқарилган инвестиция лойиҳаларида янги турдаги замонавий ва энергиятежамкор технологиялар ўрнатилиши ҳамда корхоналарда мавжуд эски дастгоҳлар модернизация қилиниши туфайли 2022 йилга келиб 1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган электр энергияси ҳажми 67,4 минг кВт.соати, табиий газ эса 6,4 минг метр кубни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2017 йилдагига нисбатан 23,5 фоиз камдир.

Соҳа, шунингдек, энг кўп иш бериувчи ҳам саналади. Ҳозир юртимизда 12 мингдан ортиқ тўқимачилик саноати корхонаси мавжуд бўлса, шундан 5 мингдан ортиғи тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхоналарда 450 мингдан ортиқ киши меҳнат қилляпти ва уларнинг 80 фоизга яқини хотин-қизлардир. Янги лойиҳалар ишга туширилиши билан бу кўрсаткичлар муттасил ўсиб бормоқда. Хусусан, жорий йилда 86 та тўқимачилик корхонаси ишга туширилиши билан 23 мингдан ортиқ киши доимий иш билан таъминланди. Соҳа ривожига халқимизни иш билан таъминлашга, турмуш тарзини ва фаровонлигини яхшилашга олиб келмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимизда экспорт ҳажмини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш мақсад қилиб олинган. Бунинг учун экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш тизими фаол йўлга қўйилди. Ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб бериувчи стандартлар жорий этилиб, машҳур брендлар жалб қилинади. Ҳозирги секторнинг экспортдаги улуши 60 фоизга етказилади. Маҳаллий корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларни хорижий давлатларга чиқаришда қўмаклашиш тизимини такомиллаштириш ҳисобига экспортчи корхоналар сони ҳозирги 6 минг 500 тадан 15 мингга, товарларнинг экспорт географияси 115 тадан 150 га етказилади. Қисқача айтганда, “Янги Ўзбекистон — рақобатбардос маҳсулотлар юрти” гоёси асосида қилинадиган ишлар қўлами янада кенгайди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

МУТАХАССИС ФИКРИ

ЭКСПОРТЁР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ

Ёрқин МАЛИКОВ, Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси бошқарув раиси ўринбосари

Охириги йилларда жаҳон бозорига янги ёрлик пайдо бўлиб, эътиборга тушмоқда. У миллий руҳга йўғрилган тўқимачилик маҳсулотлари, мазаси тилни ёрадиган мева-сабзавот, серкўёш ўлка тафтини бериувчи неъматлар, уларни тақдим этишдаги ўзига хос дизайн ва ёрликлар билан бошқалардан ажралиб туради. Бу ёрликнинг номи — Made in Uzbekistan.

Бу ном энди Европа бозорларига кириб бормоқда. 2017 йилдан юртимизда экспортга эътибор ошди, бу йилдаги барча имкониятлар ишга солина бошланди. Тадбиркорларга экспорт учун қўллаб имтиёзлар берилиб, қатор божхона тўловлари бекор қилинди. Натижада Ўзбекистон қисқа вақт ичида ташқи бозорга хомашё етказиб бериувчи давлатдан тайёр маҳсулот экспорт қилувчи мамлакатга айланди. Хусусан, жорий йилда мамлакатимизда янги ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди, экспорт ҳажми 19 миллиард долларга етди.

Президентимизнинг 2022 йил 21 декабрдаги “Тадбиркорлик субъектлари



нинг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ҳам ишбилармон доира вакилларини янада рағбатлантириш кўзда тутилган. Экспортёрларга қўшимча кредитлар ажратилиши, ташқи харажатлари бўйича қатор имтиёзлар тақдим этилиши белгиланди.

Ҳозирги кунда юртимизда экспортёр корхоналар сони 6,5 мингдан ошди. Ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини ички бозорга сотиб, 1 сўм фойда кўрса, ташқи бозорга чиқиш орқали бир неча баробар кўп даромад топади. Қолаверса, мамлакатимиз номини жаҳонга танитади. Шу боис, биз тадбиркорларнинг кўпроқ четга чиқиши, хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириб, экспорт қилиши тарафдоримиз. Бу борада Ўзбекистон экспортчилар

уюшмаси ўз атрофида бирлашган 4 мингдан ортиқ экспортёрга яқиндан қўмак бериб келяпти.

Уюшма 2019 йилда юртимизда экспортга очилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида ташкил этилган. Қисқа вақтда тадбиркорлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, кичик ва ўрта бизнес соҳасига энди қадам қўйган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқишга қўмаклашишда яхшигина тажриба тўпланди.

Ўзбекистоннинг асосий экспортёр ҳамкорлари Хитой, Россия, Қозғистон, Туркия ҳисобланади. Аммо маҳаллий тадбиркорларимизнинг янги бозорларга кириши йил сайин фаоллашиб, экспорт географияси кенгайяпти. Ҳатто маҳаллий корхоналаримиз ўз маҳсулотини океан ортига экспорт қилляпти. Мисол учун, АҚШга аввалга қадоқланган курт, писта жўнатилган бўлса, ҳозир қуритилган маҳсулотларимизга ҳам талаб ортиб борапти.

Экспорт ҳажмини ошириш учун хорижий давлатларда савдо уйлари очиш, савдо йўлақларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирга қадар Экспортчилар уюшмаси дунёнинг 16 давлатида ўз савдо ваколатхоналари, АҚШ, Туркия, Афғонистонда савдо уйлари очишга муваффақ бўлди. Нью-Йоркнинг Бруклин мавзесида Ўзбекистон маҳсулотлари сотиладиган шуорум очилган. Ушбу мамлакатлар бизнес вакиллари маҳаллий тадбиркорларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига мустақам ўрин эгаллашга қўмаклашиб келмоқда.



Ўзбекистон географик жойлашуви жиҳатидан минтақа марказидаги давлатлардан бири. Демак, бизда бошқа мамлакатлар учун хаб вазифасини бажариш имконияти катта. Шу боис, савдо уйлари очиш бўйича қўллаб давлатлардан таклифлар тушяпти.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида 2023 йилда экспорт ҳажми тарихимизда илк бор 23 миллиард доллардан ортишини таъкидлади. Бу катта марра, аммо шунга яраша вазифалар ҳам белгиланган. Келгуси йилда экспорт қилувчиларга транспорт ва бошқа харажатларини компенсация қилиш давом эттирилади. Европа бозорларига тўқимачилик, электр техникаси, чарм-

поабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини камийта 2 баробар ошириш мақсад қилинган. Маҳсулотлар экспорти бўйича ҳозирги 9 босқичдан иборат божхона расмийлаштируви 3 баробар қисқаради.

Ўтган йилдан бошлаб Ўзбекистон учун Европа бозорлари ҳам очилди. 2021 йил 10 апрелда мамлакатимиз учун “GSP+” тизими кучга киргани, Ўзбекистон ушбу тизимга преференциялар бoш тизими доирасида бенефицияр мамлакат сифатида қабул қилингани катта воқеядир. Бу тизим Ўзбекистондан экспорт қилинадиган 6 мингдан ортиқ турдаги маҳсулотларни Европа Иттифоқи таркибидаги 28 давлатга олиб

кириш эшикларини очди. Шундан 3 минг 200 турдаги маҳсулот божхона тўловларидан озод қилинган ҳолда кириб боради. Бу орқали тадбиркорларимиз ўз маҳсулотларини Европа бозорига сотишдан кўпроқ фойда олиш имкониятига эга бўлди.

Аммо биз бу тизимдан ҳали тўлиқ фойдалана олмаёямиз. Чунки бу бозорнинг ўз талаблари бор. Бу талаблар турли давлатларда бир-биридан фарқ қилади.

GSP+ тизими юртимизда ишлаб чиқариладиган товарларнинг Европа бозорига чиқиши учун жуда катта имконият. Биз унга мослашиб, талабларни таҳлил қилиб, стандартларга жавоб бериш устида ишлаяёмиз. Илгор тадбиркорларимиз Европа давлатларига бориб, бозорларини ўрганиб келяпти.

Давлатимиз раҳбари доим илгига урғу бериши бежиз эмас. Чунки ҳамма соҳага сингари экспортёр учун ҳам зарур билимлар бўлиши муҳим. Агар улар шу йўналишда қабул қилинаётган фармон, қарорларни ўрганиб чиқса ёки биз уларга буни етказса оласа, берилаётган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиш самарадорлиги ортади. Қолаверса, экспортни бошлашдан олдин, албатта, хориж бозорини ўрганиш керак.

Ҳозирча юртимиздан Европа давлатларига, асосан, кимё саноати, тўқимачилик, пластмасса ва бошқа турдаги маҳсулотлар экспорт қилинляпти. Бу борада биз кўпроқ тўқимачилик маҳсулотларига урғу бериёмиз. Чунки асосий хомашё — пахта ўзимизда етиштирилади. Демак, таннарх анча арзонга тушади, экспортдан олиннадиган даромад эса бир неча баробар кўпроқ бўлади.

Таҳлилларимизга кўра, Европа Иттифоқининг импорт ҳажми 1 триллион 8 миллиард долларни ташкил қилляпти. Ўзбекистон эса унинг бир қисмини эгаллаши мумкин. Бунинг учун бизда имконият ҳам, шароит ҳам бор.



НУҚТАИ НАЗАР

ХАЛҚИМИЗ — БЕҚИЁС БОЙЛИГИМИЗ

УНИНГ САЛОҲИЯТИ ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ, ИНТЕЛЛЕКТТАЛАБ ИШГА МУНОСИБ

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА,
Ўзбекистон Миллий медиа
ассоциацияси бошқаруви раиси,
профессор



Бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас, у дунё ҳамжамияти кўз ўнгида қадам-бақадам юксалаётган. Нафақат минтақада, балки жаҳонда сиёсий-иқтисодий жиҳатдан тобора мавқеи мустақамлаётганини сиёсатшунослар баралла айтмоқда. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси сессиялари ва бошқа нуфузли халқаро анжуманларда илгари сурган ташаббуслари қўллаб-қувватланаётгани, бу бўйича махсус резолюциялар қабул қилинаётгани сўзимиз тасдиғидир.

Айни пайтда юртдошларимиз давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси шукҳуи билан ашяпти. Халқаро ва маҳаллий экспертлар маъруз муҳим ҳужжатни чуқур таҳлил қилиб, керак бўлса, сузма-суз ўрганаётгани, мамлакатимизнинг келгуси йилга мўлжалланган режа ва марралари билан танишаётгани ҳам бор ҳақиқат. Кўпчилик Мурожаатнома контекстида диққат қаратаётган масалалардан бири мамлакатимизда аҳоли сонининг 36 миллиондан ошгани, ҳар йили сафимизга қариб 900 минг янги авлод қўшилиётгани омилдир. Дунёнинг қатор давлатларида қарши тенденцияси кунаяётган, аҳолининг меҳнатга лаёқатли ёш қатлами камайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонда ёшларнинг тобора кўпаяётгани катта ютуқ. Бу инсон капиталини кучайтириш, салоҳияти меҳнат ресурсларини яратиб орқали иқтисодий жиҳатдан ривожланиш имконини беради.

Яқинда Ўзбекистон Миллий медиа ассоциациясида БМТ Аҳолишунослик жағфармасининг Ўзбекистондаги вакили жаноб Ю Ю билан учрашдик. Сўхбат давомида нуфузли меҳмон қизқарли маълумотларни айтиб берди.


Аҳолишуносликда умумий туғилиш даражаси (TFR — total fertility rate) деган муҳим атам бор. У аёл ҳаётининг бутун репродуктив даврида ўртача неча нафар бола туғилиши кўрсатадиган коэффициентдир. Демографларнинг ҳисоб-китобига кўра, мамлакат аҳолисини табиий равишда бир хил кўрсаткичда сақлаб туриш учун умумий туғилиш коэффициенти тахминан 2,1 ни ташкил қилиши керак. Яъни мамлакатда аҳоли сони кўпаймаслиги ва камаймаслиги учун TFR кўрсаткичи бўлиши лозим.

2017 йилгача Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2,3 эди. Охириги беш йилда 40 фоиз ошди. Бугун юртимизда умумий туғилиш даражаси 3,3 га етди. Таққослаш учун айтиш жоиз: бу кўрсаткич

диагностикаси, касалликлар профилактикаси, мактабгача таълимдан тортиб олий таълимгача ёшлар учун кенг имкониятлар яратилиши, янги иш ўринлари очиб ва иш билан таъминлаш каби муҳим масалаларга кучли эътибор сезилади. Тан олиш керак, биз айнан шу йўналишлар бўйича сўнги 5-6 йилда жиддий шугуллана бошладик. Бу орада кўпчилик ёшлар чет элга кетиб, арзон ишчи кучи сифатида қора меҳнат билан банд бўлиб қолди. Оиласидан йироқда яшайди. Фарзандининг тарбияси билан шугуллана олмайди. Қарабсизки, муаммолар болалайверади.

Яқинда Ҳиндистонда бўлиб қайтдим. У ерда бир ҳолатдан таажубга тушдим. 1 миллиард 400 миллион нуфусли Ҳиндистонда ҳар йили 27,5 миллион бола туғилар экан. Бу деярли Австралия аҳолисига тенг. Бир қарашда кўндек туюлиши мумкин. Туркиянинг эса 85 миллион аҳолиси бор. Уларда туғилиш кўрсаткичи бир йилда 1,1-1,2 миллионга етади. Хитой аҳолиси ҳам 1 миллиард 400 миллион атрофида. Туғилиш кўрсаткичи эса йилига 10,5 миллион. 145 миллион кишилик Россияда эса туғилиш кўрсаткичи тахминан 1 миллионга яқин. Кейинги йилда Ўзбекистонда туғилиш кўрсаткичи 1 миллионга етиши кутиляпти. 36 миллион кишилик мамлакатимиз учун, назаримизда, бу катта рақам.

БМТ тахминларига кўра, 2080 йилларда дунё аҳолиси 10,4 миллиард кишига етади ва 2100 йилгача бу кўрсаткич сақланиши мумкин. Яъни қайсидир давлатда аҳоли сони ошиб боради, бошқасида эса, аксинча, камайдди. Олимларнинг айтишича, аср охирига қадар Ўзбекистон аҳолиси 80 миллионга етади. Россияликлар эса 110-70 миллионгача камайиши мумкин. Юртимизда туғилиш кўрсаткичи юқори бўлаётгани, шубҳасиз, катта натижа. Бироқ мана шу имкониятдан мамлакатимизни ривожлантириш



Ҳиндистонда 2,18, Хитойда 1,18, Францияда 1,9, Россияда 1,8, Туркияда 2,14 ва Жанубий Кореяда атиги 0,9 ни ташкил этади.

Статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистонда аҳоли сони 36 миллиондан ошди. Утган йили мамлакатимизда 920 минг бола туғилган. Жаноб Ю Юнинг фикрича, қисқа вақтда умумий туғилиш даражасининг бундай кескин ўсиши жаҳон амалиётида жуда кам учрайдиган ҳолидир. Демографлар бу кескин ўсишни турмуш шароити яхшиланиши ва оилаларнинг келажакка ишончи мустақамланиши билан изоҳлайди. Шу билан бирга, масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Туғилиш сони кўпайиши билан аҳолига иқтисодий хизмат кўрсатиш масъулияти ҳам ошади. Соғлиқни сақлаш тизимида аёллар скрининги ва

йўлида фойдаланиш, интеллект, яъни ақлий меҳнат орқали даромад топишни ўрганишимиз керак. Зеро, аҳоли сони ошгани билан мамлакат худуди кенгаймайди, суви ва табиий бойликлари ҳам кўпаймайди.

Аҳолининг ўзи билими ва салоҳияти билан натижага эришиши керак. Ҳиндистонга қарайлик: жаҳоннинг энг йирик компанияларида айнан шу мамлакат фуқаролари кўпчилигини ташкил этади. Уз интеллектли орқали компанияларини бошқаради. Биргина "Microsoft" компаниясида 20 мингдан ортиқ ҳинд дастурчиси ишлайди. Мана шу омил бизни доим инсон ресурслардан, ақлий салоҳиятидан фойдаланишга ундади, фарзандларимиз таълим-тарбиясига инвестиция киритишимизда руҳлантириб туриши лозим.

МУҲИМ ҚАДАМ

ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТУВЧИЛАР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ САФИДА ТУРАДИ

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,
Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика
университети ректори

Мамлакатимизда ўтаётган йилни сарҳисоб ва таҳлил қилиш, режалар тузиб, келгуси йил учун мустақам пойдевор тайёрлаш яхши анъанага айланган. Жумладан, ҳар бир йилнинг ўзига хос номланиши ва бу бўйича ривожланиш дастурини тузиб олиш давлатимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу йил 20 декабрь куни давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида жорий йилда эришилган натижалар, асосий кўрсаткичлар таҳлил этилиб, келгуси йилги мақсад ва вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, мамлакатимизда аҳоли сони ортиб бораётгани, юртдошларимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида қилинаётган ишлар, яъни ички маҳсулот ҳажмининг ортиши, иқтисодий соҳасидаги ютуқлар ҳақида маълумот берилди. Ижтимоий ҳимоя, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида қилинган ишлар, эришилган натижалар эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққола ягона тўғри йўли эканини таъкидлаб, ушбу соҳада бошланган ислохотлар жадал давом эттирилиши, таълим даргоҳларига боғлиқ ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиш, ўқув-тарбия ишлари сифатини улар билан биргаликда ошириш кераклигини таъкидлади.

2022 йилда таълим ислохотлари орқали мамлакатимизда янги Ўйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасида соҳадаги ислохотларнинг натижадорлиги юзасидан Президентимиз бошчилигида бир неча бор таҳлилий йиғилишлар ўтказилди. Педагог кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича барча педагогика олий таълим муассасалари, жумладан, юртимиздаги энг йирик педагогика олий



ўқув юрти бўлган университетимиз олдида аниқ вазифалар қўйилди. Хусусан, мактабларда ўқитиш методикаси эскиргани, илғор хорижий таълимнинг асосланган янги ўқитувчилик методи салоҳиятининг узлуksиз ошириб борилмагани алоҳида қайд этилди. Ўқитувчиларни янги методикаларга ўқитиш тизими Тошкент давлат педагогика университетидан бошланиши лозим, деган ташаббус олға сурилди.

Маъруз топшириқларни бажариш учун университет Халқ таълими вазирлиги тасаруфига ўтказилди ва педагогика йўналиши бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқишда етакчи олий таълим муассасаси этиб белгиланди. Олийгоҳ фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилинди ва университет 2026 йилгача халқаро талабаларга мувофиқ трансформация қилиниши белгиланди, мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланди.

Университет олдида қўйилган вазифалар ижросини натижаларга эришилди. Жумладан, университетимиз 2022 йилда барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ОТМРлар таъсирини баҳоловчи THE Impact Rankings халқаро рейтингидан жой олди. Шунингдек, 2023 йил учун QS Осиё университетлар рейтингидан қучли университетлар минтталиги қаторидан ўрин эгаллади. Бу орада олийгоҳда илмий салоҳиятини сўнги йилда 38 фоиздан 50 фоизга оширишга эришилгани ҳамда фан докторларининг 62, фан номзодларининг 386 нафарга етказилгани ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар сони учтага етказилиши туфайли 2021 йилда университетдаги илмий кенгашда 78 та диссертация ҳимоя қилинган бўлса, бу йил



УНИВЕРСИТЕТ ФАОЛИЯТИДА НЕМИС ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИШЛАРИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛИБ, УНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ, ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ВА ҲУЖАТЛАР АЙЛАНМАСИДАГИ РАҚАМЛАШТИРИШ КЎРСАТКИЧИ ОШИРИЛАДИ.

118 та диссертация муваффақиятли ёқланди. Нашр кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада ошди. Жумладан, 2021 йилда университет ходимларининг жами 1012 та мақоласи хорижий ва маҳаллий илмий нашрларда чоп этилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг 9 ойида 1387 тани ташкил этди. Талабаларнинг тўлақонли билим олишини таъминлаш мақсадида моддий-техник база мустақамланди. Ўқув жараёни учун қарийб 2 миллиард сўмлик замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, 400 дан ортиқ компьютер жамланмаса, 100 дан ортиқ катта экранли телевизор харид қилинди. Хорижий тиллар факультети талабалари учун 750 ўринли, табиий фанлар факультети талабалари учун 720 ўринли ўқув бинолари капитал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

“Илмий-инновацион тадқиқотлар етакчиси”, бир нафари “Маданият ва санъат фидокори” кўрак нишонлари билан тақдирланди. Қисқа қилиб айтганда, поёнига етиб бораётган йил университет жамоаси учун том маънода юксалиш йили бўлди.

2023 йилда бу натижаларни мустақамлаб, янги марраларни забт этишни мақсад қилганмиш. Тошкент давлат педагогика университети фаолиятида қатор вазифа ва йўналишлар муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, биринчидан, “Инсонга эътибор ва сифати таълим йили” учун қабул қилинадиган давлат дастурида белгиланган вазифалар жадаллик билан ўз вақтида бажарилади.

Иккинчидан, Тошкент давлат педагогика университети 2022-2026 йилларда босқичма-босқич халқаро талабалар асосида трансформация қилинади. Бунинг учун 2023 йил 1 сентябрга қадар халқаро рейтингларда биринчи 1000 талика кирган чет эл олийгоҳлари билан ҳамкорликда камида 3 та қўшма таълим дастури жорий этилади.

Университет фаолиятида HEMIS электрон платформасини жорий этиш ишлари жадаллаштирилиб, унинг бошқарув тизими, ўқув жараёни ва ҳужжатлар айланишидаги рақамлаштириш кўрсаткичи оширилади.

Учинчидан, 2023 йил 1 январдан бошлаб университет фаолияти академик, ташкилий ва молиявий мустақиллик тамойиллари асосида юритилади.

Тўртинчидан, кириш имтиҳонларини икки босқичда ўтказиш бўйича таълимий ишлар олиб борилади. 2024 йилдан таълим-синов тарикасида университетга қабул икки босқичда: биринчи босқич дастлабки имтиҳон шаклида, иккинчи босқич кириш тест синовлари тарзида ўтказилишини инобатга олиб, маъруз кириш имтиҳонини таълим-синовдан ўтказиш учун университетнинг педагогика таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш бўйича вақтинчилик тартиб ишлаб чиқилади.

Бешинчидан, университетнинг 2-4-курс таълим шаклида таъсил олаётган 2-4-курс талабалари учун ҳафталик ўқув машғулотларини “4+2” тартибда ўтказиш орқали назария ва амалиёт уйғунлиги, таълим мазмуни узлуksизлиги таъминланади, педагогик таълим ва амалиёт интеграцияси кучайтирилади.

Олтинчидан, Миллий тадқиқот институти билан мустақам ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали педагогик таълим назарияси ва ишлаб чиқариш амалиётини интеграцияси мустақамланади. Педагогларни тайёрлаш ва узлуksиз касбий ривожланишини таъминлашнинг долзарб масалалари бўйича илмий тадқиқот лойиҳалари амалга оширилади. Биргаликда илмий конференция, семинар-тренинг, докторлик диссертациялари муҳокамалари ташкил қилинади.

Университет жамоаси томонидан 2023 йилда қилинадиган ишлар Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича олиб борилаётган ислохотлардан ўрин олган таълим соҳаси бўйича қилинадиган саъй-ҳаракатларга ҳамроҳан бўлади.

Мақтабларда ўқитиш сифатини ошириш орқали жамиятда инсон капиталини ривожлантириш, ишбилмий ва камбағалликни қисқартириш учун пойдевор яратилади. Ана шундай пойдеворни барпо этишда унинг мейморлари — бўлғуси ўқитувчилар ўз фанини пухта билиши, юксак педагогик маҳоратга, янги методикаларни ишлаб чиқиш ва ундан самарали фойдаланиш қобилиятига эга бўлиш шарт ва зарур. Бундай масъулиятли вазифани бажариш, ўз навбатида, олий педагогик таълим мазмуни ва инфратузилмасини янги босқичга олиб чиқишни талаб қилади. Бугунги ислохотларда омичмасдан амал қилина, албатта, қўйилган натижага эришиш шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, мақсад аниқ. Унга эришиш механизми, раван йўли ҳам давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилди. Университетимиз Янги Ўзбекистон учун замонавий ўқитувчиларни етказиб берувчи том маънодаги таянч олий таълим муассасаси бўла олишини ишонч билан айта оламиз.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ТАКЛИФ

ЖАДИДЛАР ФАОЛИЯТИ — ИБРАТ МАКТАБИ

ёхуд Халқаро жадидчилик академиясини ташкил этишга доир айрим мулоҳазалар

Бошланиши 1-бетда

XIX аср охири XX аср бошларида бутун Шарқ мамлакатлари бўйлаб ёйилган ислохотчилик ҳаракати Туркистон тарихига “жадидчилик” номи билан кирган. Бу ҳаракат намояндаларининг нияти эзгу, амалий фаолияти ибратга муносибдир.

Давлатимиз раҳбари олдинги чиқишларидан бирида “Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс йигирманчи асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширилган мумкин эди”, деган бағоят муҳим бир фикрни айтган эди. Ҳақиқатан, агар тарихий вазият имкон берганида, янги Уйғониш ҳодисаси рўёбга чиққан бўлар эди. Бунинг изохини яна Президент сузлари билан айтадиган бўлсак, “Бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни фағлат ботқоқидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар”.

Туркистон жадидчилигининг йирик намоёндалари Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов истиклол, озодлик, эркинлик учун қилган фидокорлиги, шу билан бирга, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишдаги улкан ҳиссаси эътироф этилиб, “Буюк хизматлари учун” деган юксак мукофотга сазовор бўлдилар.

Жадидлар ислохотни мактабдан, аниқроғи, бошланғич мактабдан бошлади. Бу бежиз эмас. Жадидчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамоси Исмоил Гаспринский мусулмонларнинг маданий тараққиёти ва ривожига ҳақиқатан сўз очар экан, бошланғич таълимни она тилида беришга мўлжалланган миллий мактабларнинг умуммиллий институти яратишга қаратилган дастурни таклиф этди.

Шунга қўра, Мурожаатномада айтилган “Миллий ўзлимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади”, деган сузлар жадидлар қарашлари билан ҳамоҳанглик касб этади, албатта. Жадидлар бола бошланғич саводини ўз она тилида чиқариши унга миллат, миллат тушунчалари чуқурроқ синдирилишини таъминлайди, деб ҳисоблаган.

Жадид мактаби, бугунги истилоқлар тилида айтадиган бўлсак, инновацион ёки смарт мактаб эди. Унда жорий қилинган “товуш усули” бугунги таълим методикасининг асоси, керак бўлса, тамал тоши. Ислохотларнинг мактабдан бошлангани ҳам бежиз эмас эди. Чунки мактаб — жамият пойдевори, у мукамал бўлмас экан, миллат тараққиёти ҳақида гапириш бефойда. Шу сабабдан Янги Ўзбекистонда ҳам мактабга таълим ва мактаб таълими бўлғуси Ренессансининг узвий ҳалқаси, жадидлар “арқони миллат” ёки “миллат устунлари” деб билган зиёлилар эса “янги Уйғониш даврининг таянч устун”и деб қабул қилинди.

Туркистон жадидларининг газета, хайрия жамиятлари таъсис этиши, янги усул мактабларини ёйиш, театр ишлари ва бошқа барча ҳаракатлари бир миллий ғоя учун хизмат қилди. Ҳар қандай ғоя миллий ғояга айланиши учун икки талабга жавоб бериши лозим:

1) ғоя миллатнинг ҳақиқий эҳтиёжидан, турмуш тарзидан, асрий анъаналаридан ва албатта, имкониятларидан келиб чиқиши зарур;

2) ушбу ғоя миллат томонидан англаб етилиши, бошқача айтганда, миллийлаштирилиши керак.

Бадиий адабиёт жадидларга миллатпарварлик, ватанпарварлик ғоялари тарғиботи учун ҳам зарур эди. Жадидлар бу воситадан жуда унумли фойдаланди. Улар адабиётни халққа, оммага яқинлаштирди. Улар янги



ўзбек адабиётига асос солди. Унга янги жанрлар — бармоқ вазнидаги шеърят, хикоя, драма, қисса, роман ва бошқаларни олиб кирди ҳамда юксак ижод намуналарини яратди.

Бехбудий бошлиқ барча жадидлар халқни исрофий тадбирлардан воз кечиш, уларга сарф қилинадиган маблағни иқтисодийнинг барча тармоқларида миллий қадрлар тайёрлаш мақсадида таълим муассасаларида болаларнинг ўқиши учун йўналтиришга даъват этди. Бехбудий бу ҳаракатларини умуммиллий ишлар, олий мақсадлар, хоҳиш ва интилишлар, деб атади. Олий мақсадлар, хоҳиш ва интилишларни амалга ошириш учун эса сиёсий ирода керак эди. Бехбудий илк бор 1906 йили Туркистон миллий-маданий мухторияти лойиҳасини ишлаб чиқди ва юқори даражада муҳокама қилиниши учун уни Россия давлат думасига йўллади. Бу лойиҳада Бехбудий ер масаласини қатъий қўйди ва рус мухожирларини қўчириб келтирмаслик, ҳосилдор ерлар маҳаллий аҳоли ихтиёрида қолиши кераклиги ҳақида ёзди. Бу эса, юқорида айтганимиздек, сиёсий иродани талаб қилар эди.

Абдурауф Фитрат туркистонликларга савол билан мурожаат қилади: “Ажабо, биз ўзимизни инсон деб атаб, ҳақиқий инсон каби ҳаракат қилишни кидиришга ҳамда уларни ҳал қилиш чораларини топишга қодир бўлмасак?”. Фитрат ўртага ташлаган савол қайсидир маънода ҳали-ҳануз муҳим ва долзарбга ўхшаб қўрилади...

Ўзбекистон жадидчилик ҳаракати ва жадидларнинг ҳаёти, фаолияти ва ижодий меросини кенг қўламда, халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишга ташаббускор бўлмоғи зарур, деб ўйлаймиз.

Чунки айни Туркистон замини, унинг Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Бухоро каби йирик шаҳарлари XX аср 10-йилларида жадидчилик ҳаракатининг бутун туркий дунё марказига айланди. Бехбудий, Мунавварқори, Фитрат, Авлоний қатори қардош туркий халқларнинг Мустафо Чўқай, Заки Валидий Тўғон, Жалил Мамадқўлизода, Муса Бегиев каби ўнлаб маърифатпарвар ойдинлари ва тараққиётпарвар сиёсий арбоблар, айниқса, 1916 йилдан бошланиб кетган миллий озодлик курашларида Тошкент ва Қўқондаги сиёсий ҳаракатлар, хусусан, Туркистон мухториятчилигида фаоллик, жонбозлик кўрсатди. Шу билан бирга, жадидчилик ҳаракати ва жадидлар замонавий ўзбек жамияти ва давлатчилиги шаклланишига муносиб ҳисса қўшди.

Президентимизнинг Мурожаатномада зикр этилган “Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жадид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улғу мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қуришида барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур”, деган концептуал фикрини ҳаётга татбиқ этиш, айнан жадидчилик ҳаракатининг бутун моҳияти, йўналишлари, шахсиятлари билан шуғулланиш, кўп тармоқли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун Халқаро жадидчилик академиясини ташкил этишга зарурат бор, деб ҳисоблаймиз.

Шўхрат РИЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,
Баҳодир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Зайнобиддин АБДИРАШИДОВ,
филология фанлари доктори, профессор

BUGUNNING GAPI

ТИЛ ТАРҒИБОТИ ЭЪТИҚОД ДАРАЖАСИГА АЙЛАНМОҒИ ЗАРУР

Бугун биз маданиятлар қоришувини шиддат билан кечаётган бир даврда яшаймиз. Оммавий маданият миллий урф-одат ҳамда анъаналарни ўз домига тортаётир. Мана шундай вақтда давлат тили нуфузини оширишга қаратилган кенг камровли ислохотнинг аҳамияти катта.

тидир. Бу йилги Мурожаатнома билан она тилимизнинг қадди янада юксалди, дея ғурур билан вайтиш мумкин.

Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиебатини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармонида мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини ошириш учун шартшароит яратиш каби қатор вазифалар белгиланган. Шу муносабат билан ва-

зирликда ўзбек адабий тилининг софлигини сақлаш, ўзбек тили меъёрлари ва қоидаларига риоя қилиниши юзасидан назорат ўрнатиш мақсадида Ахборот, таҳлил ва ҳужжатларни коррекциялаш бўлими ташкил этилди. Мазкур бўлим вазирликда ишлаб чиқиладиган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хатлар, иш қўғозларини таҳрирлаш, тузатиш билан шуғулланади. Вазирликдан чиқаётган барча ҳужжатларнинг лингвистик экспертизадан ўтказилиши қатъий тартиб сифатида белгиланган. Жорий йил бошдан ҳозирги кунгача вазирликка 32 мингга яқин ҳужжат кирган бўлса, барчаси давлат тили меъёрлари талаблари бўйича қўриб чиқилган.

Кейинги йилдан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқуви ташаббуси билан ёхуд топшириқ асосида вазирлик, идоралар билан келишидан олдин давлат тили қоида ва талабларига мувофиқлигини текшириш мақсадида лингвистик экспертизадан ўтказилиб, ўзбек адабий тилининг имло-йиш, услубий, лексик-грамматик, графика ва пунктуация қоидаларига амал қилинганга, атамаларнинг тўғри қўлиниши ва матнда мантиқий хатолик-

ларга йўл қўйилмаганига эътибор берилиб, мутахассис томонидан батафсил ўрганиб чиқилади. Бундай ёндашув тилимиз нуфузини янада оширади.

2023 йил 1 январдан бошлаб давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбар ва ишчи ходимлари учун тажрибали тилишунос-ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда “Лотин ёзуви сабоқлари”, “Давлат тилида иш юритиш сабоқлари”, “Ўзбек тилининг имло қоидалари” машғулотларини ташкил этиш керак. Бундай маҳорат дарсларида ходимлар ўз фаолиятида дуч келадиган муаммолари ҳолатларни бартараф қилишнинг йўл-йўриқларини аниқ тушуниб олади.

Шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотлар ўз фаолияти доирасида тегишли услубий-амалий электрон қўланмаларни яратиши лозим. Бу каби қўланмаларда айнан муайян тизимда ўзбек тилида иш юритишнинг ўзига хосликлари ёритилиши, ҳужжатларни расмийлаштиришдаги муаммолари ҳолатлар бўйича тавсиялар акс этиши зарур. Ишонинг бу тарзда ташкил қилиниши ходимларнинг ўзбек тилида лотин ёзувида иш юритишини осонлаштириди, она тилимизга муҳаббатни мустаҳкамлайди.

Атамалар ҳар бир соҳада мавжуд бўлиб, иш юритишда атамдан тўғри фойдаланиш учун унинг маъносини, қандай терминологик тушунчани ифода қилаётганини ҳодим яхши билиши жуда зарур. Негаки, атаманинг маъноси яхши англамасда, ундан соҳавий ҳужжатларда тўғри фойдаланилмайди, ҳодим ўз фаолиятида сўзни мақсадга мувофиқ қўллаб олмайди. Шу боис, келгусида соҳаларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўлланадиган атамаларнинг маъно нуктаи назардан мувофиқлигини қайта қўриб чиқиш зарур.

Давлат ва нодавлат ташкилотлар интернет сайтлари ва бошқа электрон ускуналарда “Кун ҳикмати”, “Имло қоидалари”, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” рунқларига ўзбек тилидаги сузлар маънолари акс этган видеоорликлар намоиши этиб боришнинг ҳам аҳамияти катта. Бу орқали ходимларнинг сўз бойлиги ошади, маънавий-маърифий дунёси теранлашади, миллий эстетик малакаси шаклланади.

Мурожаатномада таъкидланган “ижтимоий давлат” маърифатли жамият асосига қурилар экан, унинг тағ замини ҳисобланган она тилимиз қадри ва тарғиботи ҳар бир шахс, ҳар бир жамоа ҳамда жамият учун эътиқод даражасига айланмоғи зарур.

Обиддин МАҲМУДИ,
иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири маслаҳатчиси,
Ёрқинжон ОДИЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор



Президентимиз Мурожаатномада “Миллий ўзлимизнинг тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади”, дея таъкидлаши бундай ислохотнинг долзарблигини дадалот. Дарҳақиқат, маънавий-маърифий ислохот замирида ўзбек тилини давлат тили сифатида ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантиришдек мақсад турибди. Кейинги беш-олти йилда тил ислоҳи билан боғлиқ ўндан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бунинг исбо-

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1264.
80849 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоғ бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилнинг:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзловнар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўза яқини — 22:40 Топширилди — 00:25